

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил апрель ойининг 18 куни, жиноят ишлари бўйича Сайхунобод туман судининг очик сайёр суд мажлиси, Сайхунобод тумани “Турон” маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биносида бўлиб, раислик қилувчи судья С.Ю.Разаков, судья ёрдамчиси Ш.Турсуновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Сайхунобод тумани прокурори ёрдамчиси М.Махсудов, судланувчи А.Саматовнинг иштирокида, Саматов Абдухамид Джурабоевичга нисбатан 1-1206-2201/30-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Саматов Абдухамид Джурабоевич (Samatov Abduxamid Djuraboyevich), 1978 йил 8 декабрь кунида Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали 3 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар, 4-мавзе, 58-уй, 12-хонадонда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” қўлланилган, айблов далолатномасини 2022 йил 29 март куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (кейинги ўринларда ЖК)нинг 177-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Саматов 2022 йил 16 июль куни жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 170-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилиб, 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланганидан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, валюта маблағларининг ноқонуний савдоси билан шуғулланиб келишни давом эттириб, 2022 йил 23 февраль куни “махсус харидор” Ф.Касимовага 400 АҚШ долларини “валюта қора бозор” нархида, яъни ҳар бир долларини 10.900 сўмдан ҳисоблаб, жами 4.360.000 сўмга сотишга келишиб, Гулистон шаҳри, эски Дехқон бозор ҳудудида “махсус харидор” Ф.Касимовага олдиндан келишилган 400 АҚШ доллари пул маблағларини бериб, эвазига ундан 4.360.000 сўм пул маблағларини санаб олган вақтида Департаментнинг Сайхунобод ва Ширин шаҳар бўлими ходимлари ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир давомида ушланиб, ундан жами 400 АҚШ доллари миқдордаги пул маблағлари ашёвий далил сифатида олинган.



Судланувчи А.Саматов ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни қасддан содир қилган.

Судланувчи А.Саматов суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у ҳақиқатдан ҳам 2022 йил 23 февраль куни ҳар доимгидек Гулистон шаҳар “эски Деҳқон бозор” ҳудудида валюта олди-сотдиси билан шуғулланаётганида тахминан соат 11:25 ларда унга нотаниш бўлган икки нафар аёл келиб, унга 400 АҚШ доллари кераклигини ва ҳар бир АҚШ долларини қанча миқдорида сотаётганлигини сўраганлигини, шунда у уларга ҳар бир АҚШ долларини 10.900 сўмдан ҳисоблаб сотаётганлигини ва 10.900 дан ҳисоб беришини, шунда 4000 АҚШ доллари жами 4.360.000 сўм бўлишини ҳисоблаб берганлигини, шунда у аёл яъни Ф.Касимова унга 4.360.000 сўм берганлигини, у унинг пулларини санаб олиб 400 АҚШ долларини берганидан сўнг бир неча кишилар келиб, ўзларини Департамент ходимлари деб таништириб, тезкор тадбир жараёни бўлаётганлигини, ушбу тезкор тадбир Ф.Касимованинг аризаси асосида ўтказилаётганлигини ва унга Ф.Касимова томонидан берилган 4.360.000 сўм пул маблағлари Департаментнинг “махсус ғазнаси”дан ажратилганлигини ва ушбу пул маблағлари танланма асосида олиниб, пулнинг серия рақамлари баённомада келтирилган пулларнинг серия рақамлари билан солиштирганида тўғри келганлигини айтишганлигини, сўнг Департаментнинг Сайхунобод туман бўлимига келишганлигини, шундан сўнг ариза муаллифи ундан сотиб олинган 400 АҚШ долларини тақдим қилиб, пуллар кўздан кечирилганида, серия ва рақамлари тўғри келганлигини аниқланиб ва далилий ашё сифатида олинганлигини, қилган ишидан чин кўнглидан пушаймонлигини, оилада боқувчи эканлигини, муқаддам судланмаганлигини билдириб енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчининг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиги, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, дастлабки терговда тўпланган ва суд муҳокамасида текширилган қўйидаги далиллар билан ўз исботини топади.

Жумладан, гувоҳ Ж.Улуғбеков суд мажлисида, у ҳақиқатдан ҳам 2022 йил 13 февраль куни соат тахминан 10:00 ларда Департаментнинг Сайхунобод туман бўлими ёнидан ўтиб кетаётган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан унга бир ишда холис сифатида иштирок этишни сўраганлиги сабабли уларнинг таклифига рози бўлганлигини, шунда Департаментнинг Сайхунобод туман бўлими маъмурий биносига яна бир фуқаро яъни М.Йўлдашев билан бирга келишганлигини, у ерда “Файина” исмли фуқаро Гулистон шаҳридаги “эски бозор” ҳудудининг ёнида “Хамид” исмли фуқаро валюта олди-сотдиси билан ноқонуний равишда шуғулланиб келаётганлиги ва унга



нисбатан қонуний чора кўришни сўраб ариза билан қилганлиги сабабли уларнинг иштирокида Департаментнинг махсус ғазнасидан 4.360.000 сўм пул маблағлари ва диктофон тақдим қилинганлигини, сўнг 2022 йил 23 февраль куни Ф.Касимова, уларнинг иштирокида Гулистон шаҳри эски бозор томонга бориб ва у ерда валюта олди-сотдиси билан шуғулланаётган бир эркак киши билан учрашиб, у билан бироз гаплашиб, 4.360.000 сўм пул маблағларини ушбу шахсга берганлигини, у шахс эса Ф.Касимовага 400 АҚШ долларини узатганлигини, шундан сўнг тадбир иштирокчилар билан бирга боришиб, уларга ўзларини таништиришиб, тезкор тадбири ўтказишаётганлигини айтишиб, 400 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда сотганликда гумон қилинаётганлигини айтишиб, ўзини таништиришни сўрашганлигини, шунда ушбу шахс ўзини Саматов Абдухамид Джурабоевич деб таништирганлигини, сўнг А.Саматов томонидан тақдим қилинган 4.360.000 сўм пул маблағлари кўздан кечирилганида, ҳақиқатдан ҳам тадбирда фойдаланиш учун харидорга баённома асосида берилган пул маблағлари билан бир хилда эканлиги аниқланганлигини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказилмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Йўлдошев суд мажлисида, гувоҳ Ж.Улуғбековнинг кўрсатувиغا айнан ўхшаш кўрсатув берди.

Суд, судланувчи А.Саматовнинг жиноят содир этганликдаги айби, ўзининг тергов ва судда айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва ашёвий далилларни олиш ҳақидаги баённома, овоз ёзиш мосламасини қайтариб олиш ва аудио ёзувни кўздан кечириш баённомаси, овозни таниб олиш учун эшиттириш тўғрисидаги баённомаси, ашёвий далил деб эътироф этиб, жиноят иши ҳужжатларига қўшиш ва сақлаб туриш учун топшириш ҳақидаги қарор ҳамда жиноят иши бўйича дастлабки тергов даврида тўпланган ҳамда суд мажлиси давомида қайта текширилган далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи А.Саматовнинг қилмиш ҳаракатлари квалификация масаласини муҳокама қилиб, унинг қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олиш ёки ўтказишида ифодаланган ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари учун маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг бир йил мобайнида қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олишида ифодаланган ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 1-қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи А.Саматовга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларидаги инсонпарварлик ва одиллик принциплари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди



Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли ва 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қароридаги тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, айбига иқрор ва пушаймонлигини, уч нафар фарзандлари борлигини, оиласида боқувчи эканлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида, ғараз ва паст ниятларда жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, хусусиятини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 1-қисми билан жазо санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, унга ЖКнинг 48-1-моддаси талабини тушунтириб огоҳлантиришни, унга қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси унинг яшаш ҳудудидаги туман (шаҳар) ИИБ Пробация гуруҳига ҳисобга қўйилган кундан бошлаб бекор қилишни;

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, судланувчи А.Саматовдан ашёвий далил тариқасида олинган ва 1 сўм ҳисобида АТ “Агробанк” Сайхунобод филиалида сақланаётган RF 84341548E, RF23766124G, PB53312836A, PB88916936G рақамли бўлган 2017 йилларда ишлаб чиқарилган 4 дона 100 АҚШ доллари купюрасидаги жами 400 АҚШ долларини давлат фойдасига ўтказишни, тезкор тадбир давомида фойдаланилган 4.360.000 пул маблағлари тезкор тадбирдан сўнг Департамент Сирдарё вилоят бошқармасининг махсус ғазнасига қайтарилганлигини инобатга олишни, жиноят ишига илова қилинган Ф.Касимова ва айбланувчи А.Саматов ўрталарида бўлиб ўтган суҳбат ёзиб олинган 1 дона “CD-R” диск ва тадбир жараёнини тасвирга олинган 1 дона “DVD” дискни жиноят иши билан бирга сақлашни белгилашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Судланувчи Саматов Абдухамид Джурабоевич (Samatov Abduxamid Djuraboyevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 1-қисми назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Саматов Абдухамид Джурабоевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 1-қисми билан 8 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин ва унинг сутканинг кеч соат 21:00 дан эрталаб соат 06:00 га қадар Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар, 4-мавзе, 58-уй, 12-хонадондан чиқиши чеклансин.

Саматов Абдухамид Джурабоевичнинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклатилсин:



- назорат қилувчи органнинг рухсатисиз кўнгилочар жойларга бормаслик;
- назорат қилувчи органнинг рухсатисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик;
- телефон алоқа воситасидан фойдаланмаслик;
- муайян жойлар - кафе, бар, спиртли ичимликлари ичиш жойларига бормаслик;
- Сирдарё вилояти ҳудудидан чиқмаслик каби қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклатилсин.

Судланувчи А.Саматовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48-1-моддаси талаби, яъни ўрнатилган тақиқлар (чекловлар)ни бузган тақдирда, унга нисбатан қўлланилган жазо бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ижро этиш яшаш ҳудудидаги туман (шаҳар) ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин ва озодликни чеклаш жазо муддати ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

А.Саматовга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси унинг яшаш ҳудудидаги туман (шаҳар) ИИБ Пробация гуруҳига ҳисобга қўйилган кундан бошлаб бекор қилинсин.

Ашёвий далил - АТ “Агробанк” Сайхунобод филиалида сақланаётган 1 сўм ҳисобида топширилган PF 84341548E, PF23766124G, PB53312836A, PB88916936G рақамли бўлган 2017 йилларда ишлаб чиқарилган 4 дона 100 АҚШ доллари купюрасидаги жами 400 АҚШ доллари давлат фойдасига ўтказилсин.

Тезкор тадбир давомида фойдаланилган 4.360.000 пул маблағлари тезкор тадбирдан сўнг Департамент Сирдарё вилоят бошқармасининг махсус ғазнасига қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Жиноят ишига илова қилинган Ф.Касимова ва айбланувчи А.Саматов ўрталарида бўлиб ўтган суҳбат ёзиб олинган 1 дона “CD-R” диск ва тадбир жараёнини тасвирга олинган 1 дона “DVD” диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчига ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан, йигирма суткалик муддат ичида ўз истаклари бўйича шу суд орқали Сирдарё вилоят жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят беришга, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:
 “Ҳукм нусхаси аслига тўғри”
 Жиноят ишлари бўйича
 Сайхунобод туман суди раиси:

(имзо)

С.Ю.Разаков

С.Ю.Разаков

